



ЛОМБАРДЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ

Назарова Муслима Назаровна -
ТДИУ Молия ва бухгалтерия ҳисоби
кафедраси катта ўқитувчиси

https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss1/a17

Аннотация. Ушбу мақолада ломбардлар ҳақида тушунчалар, уларнинг ҳуқуқий асослари ҳамда республикамизда фаолият олиб бораётган ломбардлар фаолиятининг замонавий ҳолати маълумотлари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: нобанк, кредит, ломбард, қарз, гаров, банк, хизматлар, микромолиялаш, қонун, меёрий ҳужжатлар, ҳуқуқ, маблағ, фаолият.

АНАЛИЗ СОВРЕМЕННОГО СОСТОЯНИЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ЛОМБАРДОВ

Назарова Муслима Назаровна -
старший преподаватель кафедры
“Финансы и бухгалтерский учет”

Аннотация. В данной статье анализируются понятия ломбардов, их правовая основа, а также информация о современном состоянии ломбардов, действующих в нашей республике.

Ключевые слова: небанковский, кредит, ломбард, долг, залог, банковское дело, услуги, микрофинансирование, право, нормативные акты, право, финансы, деятельность.

ANALYSIS OF THE CURRENT STATE OF PAWNSHOP ACTIVITIES

Nazarova Muslima Nazarovna -
TSUE “Finance and Accounting”
Senior Lecturer of the Department

Annotation. This article analyzes the concepts of pawnshops, their legal basis, as well as information on the current state of pawnshops operating in the Republic of Uzbekistan.

Keywords: off-bank, credit, pawnshops, loan, pawnshops operating, banking, services, microfinance, regulations, law, finance, activity.

Кириш. Бугунги кунда мамлакатимизда молиявий хизматлар оммабоплигини оширишга қаратилган қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатаётган банклар билан бир қаторда нобанк кредит ташкилотлари ҳам микромолиявий хизматлар кўрсатиб келмоқда.

Ўзбекистонда камбағалликни қисқартириш борасида Президентимиз ташаббуси билан олиб борилаётган сиёсат банк-молия секторини ислоҳ қилиш орқали кредит ташкилотларининг молиявий оммабоплигини оширишга қаратилган. Бу борада тижорат банклари билан бир қаторда нобанк кредит ташкилотларини ривожлантириш масаласи Президентимизнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасидан ҳам ўрин олган.

Тижорат банклари доим ҳам кичик ҳажмдаги кредитлар, микроқарзлар ёки қисқа муддатли кредитлар беришга қизиқиш билдиравермайди. Шундай экан, бундай ҳолатларга, албатта, нобанк кредит ташкилотлари ўз хизматларини беминнат кўрсатади. Айниқса, бугунги кунда кредитга бўлган эҳтиёж ортиб бораётган бир даврда ломбардлар ўзларининг оммабоп хиз-

матларини сифатли кўрсатиши айтиш мумкин.

Иқтисодийнинг бир маромда ривожланишида нобанк кредит ташкилотларининг хизматлари муҳим аҳамият касб этади. Улар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, аҳолини қўллаб-қувватлашда банклар қатори микромолиявий хизматлар кўрсатиб келмоқда. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бугунги кунда нобанк кредит ташкилотлари сони 160 тадан ошди, булар микромолия ташкилотлари ва ломбардлардир. Шундан 80 га яқини ломбардларни ташкил қилади [15].

Ломбардлар фаолияти сўнгги йилларда яхшиланиб бормоқда. Яъни жисмоний шахслар томонидан қисқа муддатда пул маблағларига бўлган эҳтиёж ошиб, мижозлар сони ортиб бормоқда.

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, республикамизда микромолиявий хизматлар кўрсатишни янада яхшилаш, албатта, нобанк кредит ташкилотларининг фаолиятини янада такомиллаштириш зарурлигидан келиб чиқади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Бир қанча иқтисодчи олимлар ва мутахассислар нобанк кредит ташкилотлари бўйича ўз илмий тадқиқотларида, дарслик, ўқув қўлланма, илмий мақолаларида ҳамда турли хил халқаро конференция ва анжуманларда фикр ва муҳозаларини келтириб ўтишган. Улар томонидан нобанк кредит ташкилотларининг мамлакат иқтисодиётида тутган ўрни ва уларнинг банклардан фарқини нобанк кредит ташкилотларининг аҳоли даромадларини оширишдаги аҳамияти бўйича кўрсатиб ўтишган.

Россиялик иқтисодчи олим Е.Ф.Жуковнинг “Банклар ва нобанк кредит ташкилотлари, уларнинг операциялари” номли дарслигида нобанк кредит институтларининг Россия ва бир қанча хорижий давлатлардаги фаолияти кўриб чиқилган бўлиб, унда, асосан, Россия давлатининг нобанк кредит ташкилотларининг кенг доирадаги актив ва пассив операцияларининг бошқариш механизмлари ҳамда кўрсатилаётган бошқа турли хил молиявий хизматлар ҳақида маълумотлар кўрсатилган [5].

Профессор Т.Каралиевнинг умумий раҳбарлиги ва таҳрири остида “Банк иши” дарслигида таъкидланишича, молия-кредит ташкилотлари сифатида инвестицион компаниялар ёки трестлар, молиявий (холдинг) компаниялар, сугурта компаниялари, пенсия жамғармалари, жамғарма кассалари, ломбардлар, кредит кооперациялари (уюшмалари), ипотека компаниялари, факторинг компаниялари, траст компаниялари, маълумотларни қайта ишлаш компаниялари, лизинг компаниялари, микрокредит ташкилотлари, омонат, ссуда бериш билан шуғулланувчи ассоциациялар кабиларнинг фаолияти ҳамда республикамизда фаолият кўрсатаётган нобанк кредит ташкилотларидан микрокредит ташкилотлари ва ломбардларнинг ҳуқуқий жиҳатлари, фаолият олиб бориш учун керакли ҳужжатларни расмийлаштириш тартиблари, уларнинг ишлаш тартиб-қоидалари ҳақида батафсил маълумотлар келтирилган [6].

Иқтисодчи олимларимиз россиялик иқтисодчи олимлар билан биргаликда илмий излашлар олиб бориб, Ўзбекистон ва Россия давлатлари ва бошқа турли хорижий давлатларнинг банк тизими, уларнинг ликвидлиги, банк хизматлари, операциялари, кредит ташкилотларининг фаолияти ҳамда уларнинг назарий-амалий жиҳатларини ёритиб берувчи дарслик яратилди [7]. О.И.Лаврушин таҳрири асосида Н.И.Валенцева, У.У.Азизов, Т.М.Каралиев, Э.Т.Кадиров билан яратилган “Банк иши” дарслигида ўзбек-россиянинг жуда бой материаллари асосида Базель келишувлари талабларига асосланган маълумотлар кўриб чиқилган.

Россиялик иқтисодчи олимлардан

М.С.Марамыгина ва Е.Н.Прокофьевой муаллифлигида “Пул, кредит, банклар” номли дарсликнинг 3-бобида нобанк кредит ташкилотлари тўғрисида келтириб ўтилган бўлиб, уларнинг иқтисодиётдаги ўрни ва аҳамияти ҳақида тўхталган. Асосан, нобанк кредит ташкилотлари банк қонунчилигида назорат қилиниши ва молиялаштириш соҳасида микрокредит ташкилотлари, ломбардларнинг аҳолига хизмат кўрсатишдаги фаолиятига эътибор қаратилган [8]. Яна россиялик олимлардан А.Е.Дворецкаянинг “Пул, кредит, банк” дарслигининг учинчи бўлим 15-бобида нобанк кредит ташкилотларининг молиявий жиҳатлари ва уларнинг фаолияти тўғрисида ёритилган [9].

Россиялик иқтисодчи олимлардан яна Базарнова Анна Александровна [10] ўз илмий ишида ломбардлар фаолиятини бошқаришда илмий асосланган омиллар таъсирини ёритган, Шор Инна Михайловна [11] ўз диссертация ишида ломбардларнинг кредитлаш фаолиятини моделлаштириш ва унинг услубий воситаларини такомиллаштириш асосида самарадорлигини ошириш чора-тадбирларини ишлаб чиққан, Пикузо Наталья Григорьевна эса [12] ломбардларнинг ички ҳисобот шакллари ишлаб чиқишда уларнинг даромадлиги таъсирини очиб берган, Якушева Алла Матвеевна ўз илмий ёндашувларида ломбардлар фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида умумий ёндашувларни қайта кўриб чиқиш ва ломбард корхоналарининг рақобат шароитида илмий ташкил этилган ишининг услубий асосларини ишлаб чиқишни талаб қилиши борасида фикрлар юритган ва илмий асосланган таклифлар ишлаб чиққан [13].

Тадқиқот методологияси. Нобанк кредит ташкилотлари бўйича мавжуд бўлган илмий тадқиқотларни ўрганиш, республикамизда фаолият кўрсатаётган ломбардлар фаолияти ўзгаришларини таҳлил қилиш, статистик маълумотларни ўрганиш ва иқтисодий жиҳатдан таққослаш ва таҳлил қилиш, мантиқий фикрлаш, илмий абстракциялаш, маълумотни гуруҳлаш усуллари билан кенг фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар. Мамлакатимизда микромолиялаш тизими янада ривожланиб, молиявий хизматлар оммабоплигини ошириш ва аҳолининг асосий молиявий хизматларга бўлган эҳтиёжини қондиришга қаратилган қатор тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан молиявий оммабоплик соҳасидаги илғор халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда таркибида молиявий хизматлар оммабоплигини кенгайтиришни, аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг молиявий саводхонлик даражасини оширишни, молиявий хизматлар истеъмолчилари ҳуқуқларини ҳимоя қилишни назар-

да тутувчи молиявий оммабопликни оширишнинг миллий стратегиясини ишлаб чиқишга Жаҳон банкининг техник кўмаги жалб этилган бўлиб, микромолиялаштириш соҳасини янада ривожлантириш учун қулай шарт-шароитларни яратиш мақсадида бир қанча чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоқда. Шулар жумласидан, микромолиялаштириш соҳасини янада ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 июлдаги “Микромолиявий хизматлар оммабоплигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4400-сонли қарорининг қабул қилиниши бугунги кунда нобанк кредит ташкилотлари фаолиятини янада ривожлантиришга қаратилган. Ушбу қарорга мувофиқ, нобанк кредит ташкилотлари кўрсатадиган хизматлар доираси кенгайтирилди ва микромолиявий хизматлар ҳажми оширилди [4].

Республикамизда ломбардлар фаолиятини кўриб чиқадиган бўлсак, бугунги кунда улар фаол равишда ишлаб келмоқда. Ломбардларнинг сони кундан-кунга ошиб бормоқда.

Кредит ташкилотлари фаолиятини ташкил этиш учун ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш, шунингдек, тижорат банкларини микромолиялаштириш жараёнларига жалб қилиш бўйича кўрилаётган чораларга қарамаздан, республикада микромолиявий хизматлар кўрсатиш ҳажмини сезиларли даражада кенгайтиришда бир қанча муаммо ва тўсиқлар мавжуд.

Ҳозирги кунда ломбардлар фаолияти “Нобанк кредит ташкилотлари ва микромолиялаштириш фаолияти тўғрисида”ги қонун ҳамда Марказий банкнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига мувофиқ тартибга солинади, унга кўра, ломбард томонидан кўрсатиладиган хизматлар учун тўловлар фақат миллий валютада белгиланади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга асосан ломбардда ашёлар гарови билан таъминланган кредит суммаси белгиланган муддатда қайтариб берилмаган тақдирда, ломбард нотариуснинг ижро ёзуви асосида имтиёзли бир ойлик муддат ўтганидан кейин гаровга қўйилган мол-мулкни сотиш учун белгилаб қўйилган тартибда ушбу мол-мулкни сотишга ҳақли. Ломбардга гаровга ёки сақлаш учун топширилган ашёлар йўқолганда ёки шикастланганда, агар ломбард йўқотиш ёки шикастланиш енгиб бўлмас куч оқибатида юз берганлигини исботлай олмаса, ашёлар эгасига, томонлар келишувига кўра, мулкнинг зарарни гаров паттаси ёки сақлаш паттасида кўрсатилган мол-мулк нархидан ошмаган қийматда тўлаши шарт. Ломбардларнинг банклардан фарқли жиҳатларидан яна бирини айтиш лозимки, гаровга олинган мол-мулклар қарз қайтарилмаса, муддати етган заҳоти сўнди-

рилади. Агар мижоз ашёни қайтариб олишдан бош тортган ҳолатда, ломбард ушбу ашёларни уч ой муддат ичида сақлаши керак. Уч ой ўтгандан сўнг талаб қилиб олинмаган ашёларни сотиши мумкин. Аммо фоизлари сал баландроқ бўлса-да, микроқарз олиш тартиби жуда содда [17].

Марказий банк молия-банк тизими барқарорлигини сақлаб туриш, қарз олувчилар ва кредиторларнинг манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, микрокредит ташкилотлари фаолиятини тартибга солиш ҳамда назорат қилиш борасидаги вазифаларини амалга ошириш учун текширувлар ўтказди.

Демак, микромолиялаштириш қонунчилигини такомиллаштириш, соҳанинг энг самарали ва замонавий амалиётларини жорий этиш талаб этилади. Бу борада, айниқса, масофадан хизмат кўрсатиш турларини кенгайтириш, хизматлар тақдим этиш жараёнини соддалаштириш, аҳолида қарз ҳажмининг ҳаддан ташқари ортиб кетишига йўл қўймаслик чораларини кўриш, молиявий оммабопликни оширишда исломий молия тамойилларини жорий қилиб бориш нобанк кредит ташкилотлари ва микромолиялаштириш соҳасини янада ривожлантиришнинг энг долзарб вазифалари сифатида қаралиши лозим.

Жумладан, нобанк кредит ташкилотлари ташкил этилиши ва ривожланишини таъминлаш учун лицензиялаш тартиб-қоидаларини соддалаштириш, таваккалчилик соҳаларини уларнинг имкониятларини мутаносиб равишда ҳисобга олган ҳолда тартибга солиш механизмларини жорий этиш муҳимдир. Айниқса, нобанк кредит ташкилотларининг тегишли инфратузилмалардан фойдаланишдаги имкониятларини тижорат банкларига тенглаштириш ва бу борада тенг шароитларни яратишга қаратилган қулай норматив-ҳуқуқий базани шакллантириш лозим. Бу эса нобанк молия хизматларига оид маҳсулот таклифлари, шакл ва турларини, шу жумладан, исломий молия хизматларини жорий этишнинг самарали ечимларни топишга шароит яратади.

“Нобанк кредит ташкилотлари ва микромолиялаштириш фаолияти тўғрисида”ги қонунга кўра, ломбардлар Марказий банкка фаолиятини бошлаганлик тўғрисидаги хабарномани тақдим этади. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, ломбардларнинг фаолияти бошланганлиги тўғрисидаги хабарнома ломбард номидан иш юритиш ваколатига эга бўлган шахснинг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланади.

Ломбардлар Марказий банкка фаолиятини бошлаганлик тўғрисидаги хабарномани юборганда, қонунчилик ҳужжатларида ўз фаолиятини амалга ошириш бўйича белгиланган талабларга ва шартларга риоя этиш мажбуриятини ўз зиммасига олади [2].

Марказий банк қонунчиликка қўра нобанк кредит ташкилотларини назорат қилишга, уларга алоқадор бўлган шахслардан ҳисобот ҳамда ҳужжатларни сўраб олишга қонуний ҳақли ҳисобланади, шу билан бирга, ҳар бир олинган ҳужжатларни текширишга, олинган ахборотни тушунтириб беришини талаб қилишга ҳақли. Бериладиган микроқарзларнинг фоиз ставкалари ва тўловларни белгилаш тартибини ҳам Марказий банк белгилайди.


“Нобанк кредит ташкилотлари ва микромолиялаштириш фаолияти тўғрисида”ги қонун ҳужжатига қўра, Марказий банк ҳар бир микромолия ташкилоти ва ломбардларнинг ички аудитига доир талабларни белгилаб беради.

Таъкидлаш жоизки, қонун билан банкларнинг айрим турдаги молиявий операцияларини амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган микрокредит ташкилотлари, ломбардлар ва ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотлари фаолиятини тартибга солувчи нормалар тизимлаштирилмоқда. Марказий банк ислом молияси концепциясини ўз ичига олган нобанк кредит ташкилотлари тўғрисидаги қонунни қабул қилиш-

ни ҳам режалаштирган эди. Унга қўра, нобанк ташкилотларга кўпроқ хизматлар кўрсатиш ҳуқуқи берилади.

Шу билан бирга, қонунда қўзда тутилган қоидаларда нобанк кредит ташкилотлари хизматлари истеъмоличларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш чоралари кучайтирилмоқда. Хусусан, қонунчилик даражасида нобанк кредит ташкилотларининг улар кўрсатадиган хизматлар тўғрисидаги маълумотларини, шартномалар шартларига бир томонлама ўзгартириш ёки қўшимчалар киритишни таъқиқлаш тўғрисидаги талабларни, шунингдек, истеъмоличларнинг молиявий операциялари тўғрисидаги маълумотларни ошкор қилмаслик мажбуриятлари белги-ланмоқда. Умуман олганда, ушбу қонуннинг қабул қилиниши республикамызда ягона молия тизимининг тўлдирувчиси сифатида нобанк кредит ташкилотлари ривожига хизмат қилади.

Фикримизни давом эттирган ҳолда, республикамызда фаолият олиб бораётган ломбардларнинг устав капитали ўсишини кўриб чиқамиз.



1-расм. Ломбардларнинг устав капитали ўсиши

Манба: www.cbu.uz. Марказий банк расмий сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

Юқоридаги расмдан кўришиб турибдики, 2017 йилдан 2023 йилгача бўлган оралиқ даврда ломбардларнинг устав капитали ошиб борган. Бунга, албатта, ҳуқуматимиз томонидан қабул қилинган меъёрий ҳужжатларда белгилаб қўйилган устав капитали ҳам таъсир этган.

2023 йилнинг 1 январь ҳолатига қўра, ломбардларнинг активлари миқдори 208830 млн. сўмни ташкил этган [15]. Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган ломбардлар активлари

тўғрисида маълумотни кўриб чиқадиган бўлсак, даврлар солиштирилганда, уларнинг активлари ўзгаришлари анча ошганлигини кўришимиз мумкин.

Активлар миқдори бўйича ломбардлар фаолиятининг алоҳида кўрсаткичларини кўриб чиққан ҳолда фикримизни давом эттираемиз. Қуйидаги жадвалда ломбардлар фаолиятининг 2023 йил 1 январь ҳолатига бўлган маълумотлар акс эттирилган.

Ломбардлар жамланма баланси (2023 йил 1 январь ҳолатига)

Кўрсаткичлар номи	01.01.2022 й.		01.01.2023 й.		Ўзгариши, фоизда
	млн. сўм	улуши, фоизда	млн. сўм	улуши, фоизда	
Активлар					
Кассадаги нақд пул ва бошқа тўлов ҳужжатлари	3 496	1,7 %	4 839	1,9 %	38,4 %
Банклардаги маблағлар	7 604	3,6 %	13 215	5,1 %	73,8 %
Кредитлар (соф)	175 530	84,1 %	214 811	82,5 %	22,4 %
Асосий воситалар (соф)	4 213	2,0 %	5 319	2,0 %	26,2 %
Ҳисобланган фоизлар	8 399	4,0 %	10 205	3,9 %	21,5 %
Бошқа активлар	9 588	4,6 %	11 842	4,6 %	23,5 %
Жами активлар	208 830	100,0 %	260 231	100,0 %	24,6 %
Мажбуриятлар					
Тўланиши лозим бўлган кредитлар (қарзлар) ва лизинглар	12 528	60,8 %	20 763	69,1 %	65,7 %
Тўланиши лозим бўлган ҳисобланган фоизлар	414	2,0 %	1 222	4,1 %	195,3 %
Тўланиши лозим бўлган ҳисобланган солиқлар	2 240	10,9 %	2 288	7,6 %	2,1 %
Бошқа мажбуриятлар	5 438	26,4 %	5 753	19,2 %	5,8 %
Жами мажбуриятлар	20 621	100,0 %	30 026	100,0 %	45,6 %
Капитал					
Устав капитали	68 158	36,2%	75 033	32,6%	10,1%
Захира капитали	7 219	3,8%	8 487	3,7%	17,6%
Тақсимланмаган фойда	112 833	60,0%	146 685	63,7%	30,0%
Жами капитал	188 210	100,0 %	230 205	100,0 %	22,3 %

Манба: www.cbu.uz. Марказий банк расмий сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

Жадвал маълумотларида республикамиздаги ломбардларнинг 2023 йил 1 январь ҳолати таҳлил қилинган бўлиб, активлар, мажбуриятлар ва капитал кўрсаткичлари маълумотлари таҳлил қилинган. Ломбардларнинг жамланма балансини таҳлил қиладиган бўлсак, уларнинг жами активлари 2023 йил 1 январь ҳолатида 208 830 млн. сўмни ташкил этган бўлса, ўтган давр, яъни 2022 йил 1 январь ҳолатида 260 231 млн. сўмни ташкил этган эди. Ўзгаришлари салкам 25 %ни ташкил қилган. Капиталлардаги ўзгаришларга ҳам эътибор қаратадиган бўлсак, 22 %дан ошган ўзгаришни кўришимиз мумкин.

Шуни алоҳида таъкидлашимиз мумкинки,

бугунги кунда ломбардлар Марказий банкни хабардор этиш орқали фаолиятни амалга оширмақда. Марказий банк ва махсус ваколатли давлат органининг ваколатли ходимлари, нобанк кредит ташкилотининг ички аудит хизмати ходимлари ва ташқи аудиторлар томонидан ўтказилган текширувлар жараёнида аниқланган ички назорат тизимининг ташкил этилиши ва унинг фаолиятидаги хато ва камчиликларнинг бартараф этилишини мониторинг қилиб боради. Чунки ҳар бир маълумотнинг шаффофлиги, олиб борилган операцияларнинг қонунийлиги ва ҳисоб-китобларнинг реаллиги муҳим ҳисобланади.

Активлар миқдори бўйича гуруҳлаштирилган ломбардлар фаолиятининг алоҳида кўрсаткичлари (2023 йил 1 январь ҳолатига)

Кўрсаткичлар номи	Жами		Активлар миқдори бўйича гуруҳлаштирилган ломбардлар тақсимоти							
			500 млн. сўмгача		500 млн. сўмдан 1 млрд. сўмгача		1 млрд. сўмдан 2 млрд. сўмгача		2 млрд. сўм ва ундан юқори	
	сони	сумма	сони	сумма	сони	сумма	сони	сумма	сони	сумма
Активлар										
Активлар, жами	80	260,2	2	0,9	15	11,0	20	29,0	43	219,3
Кредитлар, соф	80	214,8	2	0,4	15	8,5	20	22,8	43	183,2
Капитал										
Капитал, жами	80	230,2	2	0,8	15	9,9	20	23,9	43	195,5
Устав капитали	80	75,0	2	1,1	15	7,9	20	13,4	43	52,6
Мажбуриятлар										
Мажбуриятлар, жами	80	30	2	0,1	15	1,1	20	5,1	43	23,8
Олинган кредитлар ва лизинг	80	7,2	2	0,0	16	0,0	18	0,6	43	6,5

Манба: www.cbu.uz. Марказий банк расмий сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

Жадвал маълумотларида республикамиздаги ломбардларнинг 2023 йил 1 январь ҳолати таҳлил қилинган бўлиб, 260,2 млн. сўм активлар миқдори бўйича гуруҳлаштирилган ломбардлар тақсимоти суммаси бўйича алоҳида таҳлил қилинган. Активлар миқдори бўйича гуруҳлаштирилган ломбардлар жами млрд. сўмдан 500 млн. сўмдан 1 млрд. сўмгача бўлган тақсимотида активлар суммаси 11,0 млн. сўмни ташкил этган бўлса, 2 млрд. сўм ва ундан юқори тақсимотида эса 219,3 млрд.сўмни ташкил этган.

Умуман олганда, нобанк кредит ташкилотларининг фаолиятини янада яхшилаш ва бу орқали республикамизда микромолиявий хизматлар сифатини ошириш учун саъй-ҳаракатлар қилинмоқда. Юқорида таъкидлаб ўтилган ислохотларнинг амалга оширилиши келгусида нобанк кредит ташкилотлари фаолиятини янада мустақамлашга хизмат қилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, нобанк кредит ташкилотларига таъқиқланадиган фаолиятларининг назоратини олиб бориш ҳам улар фаолиятининг қонуний ишлашига замин яратади. Ҳар қандай соҳанинг олиб борилишида ҳуқуқий асосларнинг мустақамлиги муҳим ҳисобланади ва бу, албатта, меъёрий ҳужжатлар қабул қилиниши чора-тадбирларига боғлиқ ҳисобланади.

Хулоса ва таклифлар. Умуман олганда, ломбардлар фаолияти бугунги кунда яхши ишламоқда. Шундай бўлса-да, уларнинг фаолиятини янада такомиллаштириш борасида бир қанча вазифаларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ. Тижорат банклари каби ломбардлар ҳам аҳолига микромолиявий хизматлар кўрсатишда фаол ишлаб келмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан республикада фаолият кўрсатаётган нобанк кредит ташкилотлари, хусусан, ломбардлар фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар, шунингдек, улар фаолиятининг меъёрий-ҳуқуқий базаси янада такомиллаштирилиши нобанк кредит ташкилотларининг молиявий барқарорлигини ва фаолияти кўламини кенгайтиришга мустақам замин яратмоқда.

Хусусий мулкни ҳимоя қилиш соҳасидаги амалга оширилган ислохотлар ва қабул қилинган қонунчилик ҳужжатларига қарамасдан, ўзбошимчалик билан хусусий мулк ҳуқуқини поймол қилиш, айрим мансабдор шахсларнинг адолатсиз ва асоссиз важлар билан кўчмас мол-мулкка аралашув ҳолатлари сўнгги йилларда кўп кузатилмоқда. Бу эса кўплаб низоли ҳолатларнинг келиб чиқишига сабаб бўлмоқда. Халқ вакилларининг таъкидлашича, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши хусусий мулк дахлсизлигига, айрим ман-

сабдор шахсларнинг асоссиз важлар билан кўчмас мол-мулкка аралашув ҳолатларининг олдини олишга хизмат қилади.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, “Нобанк кредит ташкилотлари ва микромолиялаш фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни кучга кирди ва албатта, бу муаммоларга ечим топилади, деган фикрдамиз. Ушбу қонунга кўра, микромолия ташкилоти фаолиятини амалга оширувчи тўлов ташкилотлари ўзида мавжуд бўлган кредит ахборотини кредит бюроларига ва Кредит ахборотининг давлат реестрига кредит ахбороти алмашинуви тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ тақдим этиши шарт. Шу билан бирга, қонунда, микромолия ташкилоти фаолиятини амалга оширувчи тўлов ташкилотидан тўлов ташкилотининг фаолиятни амалга ошириш учун лицензияси чақириб олинганлиги унинг микромолия ташкилоти фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар реестридан чиқарилиши учун асос бўлади, бундан унинг микромолия ташкилоти сифатида қайта рўйхатдан ўтиши ҳоллари мустасно эканлиги, тўлов ташкилотининг юқори бошқарув органи томонидан микромолия ташкилоти сифатида фаолиятни амалга ошириш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, мазкур ташкилот: лицензия чақириб олинган кундан эътиборан ўн кун ичида бу ҳақда Марказий банкни хабардор қилиши; микромолия ташкилоти сифатида қайта рўйхатдан ўтиши ва Марказий банкка бу ҳақда лицензия чақириб олинган кундан эътиборан қирқ беш кун ичида маълумотлар тақдим этиши шартлиги таъкидланган [2].

Шуни таъкидлаш лозимки, жисмоний ва юридик шахслар, шу жумладан, тегишлича яқин қариндошлари ҳамда уларга алоқадор шахслар билан биргаликда ҳаракат қилувчи жисмоний ва юридик шахслар, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари бир ёки бир нечта битим натижасида нобанк кредит ташкилотининг устав фондидаги (устав капиталидаги) ўн фоизни ва ундан кўпроқ фоизни ташкил этадиган улушини бевосита ёки билвосита олгунига қадар Марказий банкнинг дастлабки рухсатномасини олиши шарт.

Нобанк кредит ташкилотининг устав капитали Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида шакллантирилади ва фақат нобанк кредит ташкилотининг муассислари (иштирокчилари, акциядорлари) томонидан киритилган пул маблағларидан ташкил топади. Қонун ҳужжатида кўра, ломбардларнинг устав капитали беш юз миллион сўмни ташкил этади.

Мамлакатимизда макроиқтисодий барқарорлик ва юқори ўсиш суръатларини таъминлашда салмоқли ўрин эгаллаб келаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада жадал

ривожлантиришда нобанк кредит ташкилотлари фаолиятини мунтазам равишда такомиллаштириб бориш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Нобанк кредит ташкилотларининг қонунчилик асосида самарали фаолият олиб бориши учун уларнинг банклар билан ҳамкорликда ишлаши бўйича мавжуд муаммолар етарлича ўрганилиб чиқиши лозим. Энг асосийси, бу ташкилотларнинг ҳаётийлигини, ўз маблағларини вақтида қайтариб олиш ва у бўйича даромад ишлаш ҳамда барқарор фаолият юритишини таъминлашдир. Бундай тузилмаларнинг яратилиши кўп сонли кичик ишлаб чиқаришларни қўллаб-қувватлаш ва даромад келтирувчи фаолият билан шуғулланишга аҳоли кенг қатлами-ни жалб қилишга олиб келади.

Хулоса қилиб айтганда, ломбардларни ҳуқуқий жиҳатдан такомиллаштириш:

биринчидан, микроқарзлар бериш билан боғлиқ фаолиятни тартибга солувчи ягона ҳуқуқий базанинг шаклланишига эришишга;

иккинчидан, ломбардларнинг маблағларидан фойдаланиш имконини янада такомиллаштиришга;

учинчидан, аҳолининг кенг қатламларига микромолиявий хизматлар кўрсатишга ихтисослашган ломбардлар тузиш ва фаолиятини ривожлантиришга;

тўртинчидан, ломбардлар фаолиятини назорат қилиш тизимини такомиллаштириш лозим, бу орқали уларнинг капитал базасини мустаҳкамлаш ва доимий ликвидлигини таъминлаш масалаларига эътибор кучайтирилишига эришилади.

Умуман олганда, ломбардлар хизматлар кўрсатаётганда, истеъмолчиларга (мижозларга) нисбатан адолатлилик, ҳалоллик, шаффофлик, ўзаро ҳурмат ва ҳолислик тамойилларига риоя этиши керак. Шунингдек, ломбардлар хизматлар кўрсатишнинг амалдаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ ўзлари ишлаб чиққан қоидаларига биноан хизматлар кўрсатади.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг "Марказий банк тўғрисида"ги қонуни. ЎРҚ-582-сон. 2019 йил 11 ноябрь. www.lex.uz.
2. Ўзбекистон Республикасининг "Нобанк кредит ташкилотлари ва микромолиялаштириш фаолияти тўғрисида"ги қонуни. ЎРҚ-765-сон. 2022 йил 20 апрель. www.lex.uz.
3. Ўзбекистон Республикасининг "Микрокредит ташкилотлари тўғрисида"ги қонуни. ЎРҚ-53-сон. 2006 йил 20 сентябрь. www.lex.uz.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-4400-сонли "Микромолиявий хизматлар оммабоплигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори. 2019 йил 23 июль. www.lex.uz.
5. Банки и небанковские кредитные организации и их операции. Учебник. / Под ред. Е.Ф.Жукова. – М.: Вузовский учебник, 2005. – 491 с.
6. Azizov T.U., Karaliyev T., Bobakulov T., Abdullayeva Sh., Xolmaxmadov Z., Ortiqov O., Saidov D., Ortiqov U., Sattarov O., Qulliyev I., Raxmanov I., Ismoilov A. Bank ishi. Darslik. – Т.: Iqtisod-moliya, 2015-у. – 622 bet.
7. Лаврушин О.И., Валенцева Н.И., Азизов У.У., Каралиев Т.М., Кадиров Э.Т. [и др.] Банковское дело. Учебник, II часть. / Под ред. О.И.Лаврушина. – Т.: Iqtisod-moliya, 2019. – 704 с.
8. Деньги, кредит, банки. Учебник. / Под общ. ред. М.С.Марамыгина, Е.Н.Прокофьевой. – Екатеринбург: Изд-во Урал. ун-та, 2019. – 384 с.
9. Дворецкая А.Е. Деньги, кредит, банки. Учебник для вузов. / А.Е.Дворецкая. 2-е изд., перераб. и доп. – М.: Издательство Юрайт, 2020. – 472 с. (Высшее образование). ISBN 978-5-534-05109-4.
10. Базарнова Анна Александровна. Юридическое обеспечение деятельности ломбардов в Российской Империи : диссертация ... кандидата юридических наук : 12.00.01. / Базарнова Анна Александровна;. [Место защиты: Моск. ун-т МВД РФ]. – М., 2011. – 191 с.: ил. РГБ ОД, 61 11-12/446.
11. Шор Инна Михайловна. Российский ломбард в инфраструктуре кредитных отношений: Дис. ... канд. экон. наук: 08.00.10. – Волгоград, 2003. – 196 с. РГБ ОД, 61:03-8/3427-4.
12. Пикузо Наталья Григорьевна. Бухгалтерский учет залоговых операций в ломбардах: диссертация... кандидата экономических наук: 08.00.12. – Новосибирск, 2007. – 178 с. РГБ ОД, 61:07-8/3322.
13. Якушева Алла Матвеевна. Организация системы управления ломбардными предприятиями: Дис. ... канд. экон. наук: 08.00.05. – Новгород, 2003. – 222 с. РГБ ОД, 61:03-8/3868-7.
14. 2021 йил 2 апрель. "Микрокредит ташкилотлари ва ломбардлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва тартибга солиш тўғрисида"ги низом.
15. www.chu.uz. – Марказий банк расмий сайти.
16. <https://finlit.uz>. – Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг молиявий саводхонлик бўйича ахборот-таълим веб-сайти.
17. www.regulation.gov.uz. – *Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси портали*.